

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Кузатув Кенгашининг
2023 йил “ 05 ” 01 даги
К-1/1- сонли қарори билан
«Тасдиқланди»

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Кузатув Кенгашининг
2023 йил “ 05 ” 01 даги
К-1/1- сонли йиғилиш
баённомасига 1-сонли илова

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Аудит кўмитаси тўғрисидаги
Низом

Тошкент – 2023 йил

Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонунларига, Адлия Вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ва аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи Марказий банк ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилди.

I. Умумий қоидалар

- 1.1. Аудит қўмитаси “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Кенгашининг қарорига асосан ташкил этилади ва ушбу низомга асосан шакллантирилади.
- 1.2. Мазкур низом банк Аудит қўмитасининг мақоми, миқдорий таркиби, ваколатлари ва ҳуқуқларини ҳамда унинг фаолиятини тартибга солади.
- 1.3. Аудит қўмитасининг асосий мақсади – банк томонидан амалга оширилаётган амалиётларнинг тўғри бажарилишини назорат қилиш ва банк фаолияти хатарларини минималлаштириш орқали банк акциядорлари ва омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш.

II. Аудит қўмитаси таркиби

- 2.1. Аудит қўмитаси банк Кенгашининг 3 та аъзосидан иборат таркибда ташкил этилади. Аудит қўмитаси раиси ва аъзолари банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўмита аъзоларининг аксарияти Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кенгашдаги аъзолиги мустасно. Аудит қўмитасининг раиси кенгаш раиси бўлмаслиги лозим.
- 2.2. Аудит қўмитаси аъзолари олий маълумотга, аудит хизмати мақсадлари ва вазифаларига мос келувчи малака ва тажрибага эга бўлиши керак.
- 2.3. Аудит қўмитасининг камида битта аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўйича камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак.
- 2.4. Аудит қўмитаси котиби лавозимини банк Кенгаши томонидан тайинланган Ички аудит бошқармаси бошлиғи бажаради.
- 2.5. Аудит қўмитаси аъзолари ўртасидаги функциялар ва вазифалар Қўмита раиси томонидан тақсимланади.

III. Аудит қўмитасининг асосий вазифалари

- 3.1. Аудит Қўмитасининг асосий вазифалари қуйидаги йўналишлардан иборат:
 - молиявий ҳисобот ва ички аудит сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида иштирок этиш;
 - назоратга оид, молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг тақдим этилишини, тўлиқлигини, ишончлилигини назорат қилиш;

- ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан кенгаш йиғилишларига маълумотлар тайёрлаш ва кенгашга ҳисоботлар тақдим этиш;
- банкнинг ички ва ташқи аудиторлар билан ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;
- ички аудит хизмати раҳбарини тайинлаш (лавозимидан озод қилиш) масаласини кўриб чиқиб, кенгашга таклиф киритиш;
- Бош аудитор иш жойида вақтинчалик йўқлигида (меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва бошқа ҳолларда) унинг вазифасини бошқарма таркибидаги бўлим бошлиқларидан бири бажаришига юклатилиши тўғрисида қарор қабул қилиш ;
- ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботларини ўрганиб чиқиш ва кенгашга тақдим этиш;
- банкнинг ички назорат тизими ва ички аудити фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, ички аудит хизмати раҳбари ўз вазифа ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрларини билдириш;
- даврий равишда (йилда камида бир марта) ички аудит хизматининг ҳар бир ходимини унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиш ва хулосаларни тайёрлаш салоҳиятидан келиб чиқиб касбий маҳорат даражасини баҳолаб бориши лозим;
- ҳар чоракда камида бир марта ички аудит хизмати раҳбари билан учрашув ўтказиб, ички аудит хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилиш;
- бошқарманинг йиллик бюджетини ўрганиб чиқиш ва кенгашга тақдим этиш;
- ташқи аудитор таклифларини баҳолашда кенгашга амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда кенгашга тавсиялар тайёрлаш;
- ташқи аудиторларнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида кенгашга таклифлар киритиш;
- ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда кенгашга амалий ёрдам бериш;
- ички ва ташқи аудит ҳисоботларини қабул қилиб олиш ҳамда уларда ва бошқа назоратни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан аниқланган қонун ҳужжатлари, банкнинг сиёсатлари ва ички ҳужжатларига номувофиқликлар ва камчиликларни банк бошқаруви томонидан ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилиш;
- ташқи аудиторлик ҳисобот ва хулосаларни кўриб чиқиш ва уларни кенгашга тақдим этиш;
- ташқи аудиторлар фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, уларни ўзгартириш юзасидан кенгашга тавсиялар бериш;
- банк фаолиятининг шаффофлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;

- ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;
- кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

3.2. Аудит қўмитаси Бошқарма ишини ташкил этилишини назорат қилиши орқали қуйидагиларни таъминлайди:

- банк активлари яхлитлиги ва банкни кутилаётган зарар кўрилишидан ҳимоя қилиш;
- банк фаолиятини ички сиёсат, низом ва банк қоидаларига мос келиши;
- банкнинг ички сиёсатини, шунингдек банкни фирибгарлик ёки хатолик натижасида юзага келадиган хатарлардан ҳимоя қилиш учун ички тартиб ва жараёнларни ўз вақтида кўриб чиқиш.

IV. Аудит қўмитасининг ваколатлари

4.1. Аудит қўмитаси ўз фаолиятида ва қарорлар қабул қилишда ташқи (мустақил) аудит текширувлари натижалари ва бошқарманинг материалларидан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, керак бўлганда бирламчи бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатлари билан танишиши мумкин.

4.2. Аудит қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- банк бошқаруви ва мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиш;
- банкка катта зарар етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, Банк бошқарувининг навбатдаги йиғилишини чақирилишини талаб қилиш;
- кўриб чиқиладиган масалалар бўйича банк ходимлари, шу жумладан таркибий тузилмалар раҳбарларидан тушунтиришлар талаб қилиш;
- айбдор ходимларга интизомий, мулкӣ ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини банк раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;
- банк кенгаши қарори асосида Аудит қўмитасида ишлаганлиги учун маълум миқдорда ҳақ олиш.

V. Аудит қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги

5.1. Аудит қўмитаси аъзолари ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Аудит қўмитасининг йиғилишида овоз беришда иштирок этмаган ёки банкка зарар етказилишига олиб келган қарорга қарши овоз берган аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

VI. Аудит қўмитаси йиғилиши

6.1. Аудит қўмитаси ҳар чоракда, ярим йиллик ва йиллик йиғилишларни ўтказди.

- 6.2. Аудит қўмитаси аъзолари муайян масалани зудлик билан ҳал қилишни талаб қиладиган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, қўмитанинг навбатдаги фавқулодда йиғилишини чақиришини талаб қилишлари мумкин.
- 6.3. Аудит қўмитасининг йиғилиши, агар унда унинг аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этса ваколатли (кворумга эга) бўлади, бунда қўмита Раисининг иштирок этиши шарт. Қарорлар оддий кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.
- 6.4. Аудит қўмитасининг қарорлари Аудит қўмитаси йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилади, яъни баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда қатнашган аъзолар томонидан имзоланади.
- 6.5. Аудит қўмитасининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлган тақдирда қўмита Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аудит қўмитасининг қарорига норози бўлган қўмита аъзоси йиғилиш баёнига илова қилиниши шарт бўлган ўз фикрини ёзиб қўйиш ва уни банк кенгашига етказишга ҳақли.
- 6.6. Аудит қўмитаси Раиси:
- Аудит қўмитаси ишини ташкиллаштиради;
 - Қўмита йиғилишини чақиради ва Раислик қилади;
 - Банк қонунчилиги ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.
- 6.7. Аудит қўмитаси котиби:
- Аудит қўмитаси йиғилиш баённомаларини расмийлаштиради ва ҳисобни юритади;
 - Аудит қўмитасига кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим этади;
 - Аудит қўмитасининг қарорлари, хулосалари ва баённомаларини қабул қилувчиларга етказди.

VII. Яқуний қоидалар

- 7.1. Мазкур низом банк Кенгаши қарори билан тасдиқланган санадан бошлаб кучга киради.
- 7.2. Аудит қўмитаси тўғрисидаги янги таҳрирдаги низомнинг тасдиқланганлиги муносабати билан банк Кенгаши томонидан 2016 йил 18 январдаги №К-1/2 сонли қарори билан тасдиқланган АТБ “Asia Alliance Bank” Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги низоми ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.
- 7.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки банк уставига ўзгартириш киритилган тақдирда, мазур низомнинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларига зид келганда, низом қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қисми бўйича ўз кучида бўлади.
- 7.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки банк уставига зид бўлган Низом қоидалари ўз кучини йўқотади ва бошқарманинг бу қисмидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли қоидалари билан тартибга солинади.